
Туман ҳокимининг сайёр қабули: мурожаатлар ечимига хизмат қилиб
Ўзбекистон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Қажраевнинг янги
2021 йилдаги ҳудудлардаги илк сайёр қабули “Беруний” маҳалла фуқаролар
йиғинида бўлиб ўтди.

Унда тумандаги тегишли ташкилот ва корхоналар муассасалари раҳбарлари ҳам
иштирок этди.

Сайёр қабулда фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатлар тингланиб,
уларга ижобий ечим топиш бўйича чоралар белгиланди.

Мазкур мурожаатларнинг аксарияти уй-жой, алимент ундириш, электр ва
телекоммуникация таянчларини алиштириш, тоза ичимлик суви тармоғи тортиш,
бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит олиш ва
бошқа масалаларга оид бўлди.

Хусусан, қабулда иштирок этган фуқаролардан 16 та мурожаатлар қабул
қилиниб, уларнинг маълум қисмига шу куннинг ўзида ижобий ечим топилди.
Муддат талаб этадиган мурожаатлар эса тегишли масъулларга бириктирилиб,
ижроси назоратга олинди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-01-06 22:33:39